БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 75 (3813).

17 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА 1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

**Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашдаги янги ғалабалар сари олға!**

**Яшасин инсониятнинг порлоқ келажаги—коммунизм!**

# КПСС Марказий Комитетининг 1968 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Биринчи Май — меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашида халқаро бирдамлик куни!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин абадий барҳаёт революцион таълимот, социализм ва коммунизм ғалабаси йўлидаги курашда барча мамлакатлар меҳнаткашларининг йўлчи юлдузи — марксизм-ленинизм!

4. Коммунизмнинг шонли бунёдкори, озодлик, тинчлик ва меҳнаткашлар бахт-саодати учун мард курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

5. Яшасин СССРда коммунизм қуриш учун курашда илғор ва етакчи бунёдкор куч — Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

6. Яшасин коммунизмнинг актив бунёдкорлари—қаҳрамон колхозчи деҳқонлар!

7. Совет социалистик давлатининг мустаҳкам негизи — ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи мустаҳкамлансин ва гуллаб-яшнайверсин!

8. Яшасин шонли совет зиёлилари — мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг актив иштирокчилари!

9. СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва бузилмас бирлиги абадий яшасин ва гуллаб-яшнайверсин!

10. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партиянинг ленинча байроғи остида янада маҳкам жипслашингиз!

Яшасин партия билан халқнинг буюк ва бузилмас бирлиги!

11. Яшасин мамлакатимизда коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

12. Яшасин чинакам халқ ҳокимияти органлари — меҳнаткашлар депутатлари Советлари!

Совет Социалистик демократияси ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин, мамлакат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг активлиги ўсаверсин!

13. Яшасин бошқариш ва хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!

14. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив бунёдкорлари — совет хотин-қизлари!

15. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви, коммунизм ёш бунёдкорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

16. Совет жангчилари! Харбий ва сиёсий тайёргарликда кунт билан янгидан-янги муваффакиятларга эришингиз, ҳар қандай агрессорни яксон қилишга ҳамиша шай бўлиб турингиз!

Яшасин ғалабалар шон-шуҳрати билан қопланган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

17. Совет Иттифоқи халқлари! Бутун кучни партия Программаси ва КПСС XXIII съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш планларини муваффакиятли бажаришга сарфлайлик!

18. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарингиз! Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олайлик!

19. Коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларига шон-шарафлар! Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

20. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Халқ турмушининг моддий даражаси ва маданий савиясини янада юксалтириш негизи бўлган халқ хўжалигини тўхтовсиз ўстириш учун курашингиз!

21. Ишчилар, инженерлар ва техниклар! Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини бутун чоралар билан оширингиз! Маблағлар, ишлаб чиқариш фондлари, хом ашё ва материаллардан яхшироқ фойдаланиш учун курашингиз, янги қувватларни тезроқ ўзлаштирингиз!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунизм ғалабаси учун энг муҳим, энг асосий шарт бўлган меҳнат унумдорлигини узлуксиз оширингиз!

23. Халқ хўжалиги ходимлари! Ишлаб чиқаришнинг техника даражасини қунт билан оширингиз! Комплекс механизациялашни ва автоматлаштиришни амалга оширингиз! Маҳсулот сифатини бутун чоралар билан яхшилангиз, маҳсулот таннархини камайтиришга эришингиз!

24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнатга ва жамоат мулкига нисбатан коммунистик муносабатда бўлиш учун курашингиз! Социалистик интизомни ва уюшқоқликни бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз!

25. Колхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантиришга ва уларнинг рентабеллигини оширишга эришингиз!

26. Қишлок хўжалик меҳнатчилари! Кўкламги экишни намунали ва сифатли тугаллаш учун, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз!

27. Қишлоқ хўжалик ишчилари, инженерлари ва техниклари, меҳнатчилари! Меҳнатни илмий уюштиришни, фан, техниканинг энг янги ютуқларини ва илғор тажрибаларни халқ хўжалигига кенг жорий қилингиз!

28. Совет олимлари, конструкторлари, инженерлари ва техниклари! Ватанимизнинг илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш учун, фан ва техникани янада равнақ топтириш учун активроқ курашингиз!

29. Савдо ва маиший хизмат ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини бутун чоралар билан оширингиз, совет кишиларининг талабларини тўлароқ ва яхшироқ қондирингиз!

30. Адабиёт ва санъат арбоблари! Совет санъатининг партиявийлиги, халқчиллиги, ғоявийлиги байроғини баланд кўтарингиз, ўз бадиий маҳоратингизни такомиллаштирингиз, бутун куч ва қобилиятингизни коммунизм қурувчиларини сиёсий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялашга сарфлангиз!

31. Маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш ходимлари! Халқ маорифини, аҳолига медицина ва маданий хизмат кўрсатишни такомиллаштирингиз! Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда активроқ қатнашингиз!

32. Коммунистлар! Беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун курашнинг олдинги сафида бўлингиз, омманинг оташин ташкилотчилари ва тарбиячилари, барча янги ва илғор ташаббусларни амалга ошириш учун курашчи бўлингиз!

33. Йигит ва қизлар! Марксизм-ленинизм назариясини, ҳозирги замон фани ва техникасининг чўққиларини қунт билан эгаллангиз! Коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлингиз! Улуғ Октябрнинг революцион традицияларини давом эттирингиз!

34. Пионер ва мактаб ўқувчилари! Совет Ватанини қизғин муҳаббат билан севингиз, яхши ўқингиз, меҳнатни ардоқлангиз! Ленин иши учун, коммунизм иши учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

35. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди, империализмга қарши, инсониятнинг порлоқ орзуси — коммунизмни ер юзида қарор топтириш учун забардаст курашчилар бўлган коммунистик ва ишчи партияларга қизғин қардошлик саломи!

36. Халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ва жипслиги марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми негизида мустаҳкамланаверсин!

37. Империалистларнинг агрессия, зулм ва уруш сиёсатига қарши курашда барча антиимпериалистик кучларнинг бирлиги ва жипслиги яшасин!

38. Социализм қураётган социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

39. Яшасин Октябрь улуғ ишининг тантанаси, халқаро ишчилар синфининг тарихий ғалабаси бўлган жаҳон социалистик системаси!

Социализм мамлакатларининг қардошларча дўстлиги ва бирлиги мустаҳкамланаверсин!

40. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфи меҳнаткашларнинг сиёсий ва социал-иқтисодий ҳуқуқлари учун, социалистик идеалларнинг тантанаси учун, монополистик капиталга қарши забардаст курашчига қардошлик саломи!

41. Халқларнинг империализмга қарши, миллий мустақиллик, озодлик, демократия ва социализм учун курашидаги муваффақият гарови бўлган социализм ва миллий-озодлик ҳаракати кучларининг иттифоқи яшасин ва мустаҳкамлансин!

42. Империализмга қарши, мустақилликни мустаҳкамлаш учун, социал ривожланишнинг прогрессив йўли учун курашаётган ёш миллий давлатларнинг халқларига қизғин салом!

43. Империализмга ва ирқчиликка қарши, ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларига қизғин салом!

44. Америка империализмининг агрессиясига қарши, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган мард Вьетнам халқига қардошлик саломи!

45. Жаҳон халқлари! Эрксевар Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган босқинчилик агрессив урушини дарҳол тўхтатишни АҚШдан қатъий талаб қилингиз!

Америка империалистлари Вьетнамдан чиқиб кетсин! Вьетнам—вьетнамликларники!

46. Жаҳон халқлари! Тинчликка ва халқлар хавфсизлигига таҳдид солаётган реваншизм ва янги фашизмнинг Германия Федератив Республикасида яна бош кўтараётганлигига қарши, Ғарбий Германия милитаристларининг ядро қуролини қўлга киритишларига қарши курашингиз!

47. Империализм ҳамлаларига қарши, Исроил агрессорларининг қўшинларини оккупация қилиб турган араб территорияларидан чиқартириб юбориш учун курашаётган араб мамлакатлари халқлари билан совет халқининг бирдамлиги мустаҳкамлансин ва ривожланаверсин!

48. Капиталистик ва мустамлакачилик зулмига қарши, озодлик ва социал тараққиёт учун курашиб, турмаларда ва фашистларнинг зиндонларида азоб тортаётган мард курашчиларга қизғин салом!

49. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати-тинчлик ва халқлар дўстлиги сиёсати, реакция ва урушга қарши курашда барча антиимпериалистик тинчликсевар кучларни жипслаштириш сиёсати!

50. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва бахтиёрлигининг мустаҳкам қалъаси, тинчлик ва тараққиётнинг ишончли таянчи бўлган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

51. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашдаги янги ғалабалар сари олға!

52. Яшасин инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм!

*Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети*

## «КОСМОС-212» ВА «КОСМОС-213» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

### УЧИШ ПРОГРАММАСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

1968 йил 15 апрелда Совет Иттифоқида ернинг сунъий йўлдоши «Космос-213» учирилди. «Космос-213» 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш ва космик аппаратлар конструкциясининг янги системалари ва элементларини ишлатиб кўриш мақсадида учирилди.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди:

— Йўлдошнинг дастлабки айланиш даври 89,16 минут;

— Ер сатҳидан максимал узоқлиги (апогейида) 291 километр;

— Ер сатҳидан минимал узоқлиги (перигейида) 205 километр;

— Орбитанинг оғиши 51,4 градус.

Москва вақти билан соат 13 дан 21 минут ўтганида ернинг сунъий йўлдоши «Космос-213» орбитада 1968 йил 14 апрелда орбитага чиқарилган «Космос-212» йўлдоши билан автоматик усулда туташтирилди.

Бир-бирига яқинлашиш учун махсус системалар, радио техника ва ҳисоб-китоб қурилмалари ўрнатилган ер сунъий йўлдошлари «Космос-212» ва «Космос-213» автоматик усулда бир-бирини қидирди, бир-бирига яқинлашди, ундан сўнг бир-бирининг олдига келиб турди ва бир-бири билан қаттиқ туташди.

Бортдаги телевизион установкалар ва телеметрик системалар туташган аппаратлар телевизион тасвирини, шунингдек телеметрик маълумотларни ерга юбориб турди.

Бир-бири билан қаттиқ туташиб олган «Космос-212» ва «Космос-213» сунъий йўлдошлари ор и ада бирга парвоз қилишни давом эттирмоқда. Телеметрик маълумотларга қараганда, йўлдошларнинг борт системалари ва аппаратлари нормал ишлаб турибди.

Шу билан Совет космик аппаратлари орбитада иккинчи марта автоматик усулда туташди. Автоматик усулда туташтириш космик фазони ўзлаштириш ишида катта аҳамиятга эгадир.

* * *

Ернинг сунъий йўлдошлари «Космос-212» ва «Космос-213» 1968 йил 15 апрелда орбитада туташган ҳолда учишни 3 соат 50 минут давом эттирдилар.

Программага мувофиқ биргаликда парвоз қилиш шароитида янги системалар синаб кўрилди ва илмий техника тадқиқотлари бажарилди.

1968 йил 15 апрелда Москва вақти билан соат 17 дан 11 минут ўтганда ердан берилган командага мувофиқ сунъий йўлдошлар автоматик усулда бир-биридан ажратиб юборилди.

Йўлдошларни бир-биридан ажратиб юбориш процессидаги телевизион тасвир бортдаги телевизион системалар ёрдамида ерга юборилиб турилди.

Ернинг сунъий йўлдошлари «Космос-212» ва «Космос-213» бир-биридан ажратиб юборилганидан бироз вақт ўтгач турли орбиталарга кўчирилди.

Йўлдошларнинг — бир-биридан ажратиб юборишни ва уларнинг шундан кейинги ҳаракатини таъминлаган барча системалар нормал ишлаб турибди.

«Космос-212» ва «Космос-213» йўлдошлари парвозни ва космик фазони тадқиқ этишни давом эттирмоқдалар.

## РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН ПОКИСТОНГА

### А. Н. КОСИГИН МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Покистон Ислом Республикаси президенти фельдмаршал Муҳаммад Аюбхоннинг таклифига биноан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 16 апрелда расмий визит билан Москвадан Равальпиндига жўнаб кетди.

А. Н. Косигин Покистонга бораётиб, Душанбеда тўхтаб ўтади.

Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, Литва ССР Министрлар Совети Раиси И. А. Манюшис, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг ўринбосари Г. С. Сидорович, СССР ташқи ишлар министрлиги Жанубий Осиё бўлимининг мудири А. А. Фомин Совет Ҳукумати бошлиғига ҳамроҳ бўлиб бормоқдалар.

* * *

ДУШАНБЕ, 16 апрель. (ТАСС).

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари расмий визит билан Покистонга боратуриб, бугун бу ерга келишди.

Аэродромда меҳмонларни Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холов, республика Министрлар Советининг Раиси А. Қаҳҳоров ва бошқалар кутиб олдилар.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

#### Я. Ф. ШАЙДАГА ВА П. Н. ЕМЕЛЬЯНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР пойтахти — Тошкент шаҳрини тиклаш ва қуриш ишида ватанпарварлик бурчини юксак даражада тушунганлиги ва фидокорона меҳнат қилганлиги учун «Главзапстрой»нинг 224-Ленинград қурилиш поезди бошлиғи Яков Феодосиевич **Шайдага** ва 274-Ленинград қурилиш поезди бригада бошлиғи Петр Николаевич **Емельяновга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ,

1968 йил 16 апрель.
Тошкент шаҳри.

### АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорнийнинг 1966 йилда Австрияга қилган визитига жавобан, СССР Олий Совети Президиумининг таклифига кўра Австрия Республикасининг федерал президенти доктор Франц Ионас шу йилнинг 20 майидан 25 майигача расмий визит билан Совет Иттифоқига келади. (ТАСС).

## МОСКВА ХРОНИКАСИ

Совет халқининг туҳфаси бўлмиш янги юкларни Вьетнам Демократик Республикасига жўнатишга бағишлаб бугун 15 апрелда «Трехгорная мануфактура» комбинатида митинг бўлиб ўтди. «Раздольное» теплоходи бугун Владивостокдан чиқиб, Хайфон томон йўл олди. Теплоходда озиқ-овқат ва саноат моллари. Вьетнам ватанпарварларига биринчи май совға-саломлари солинган неча минглаб посилкалар бор.

Булар мамлакатимиз гражданларидан совет тинчлик фондига тушган маблағларга харид қилинган. «Раздольное» теплоходи совет Иттифоқидан жўнаган иккинчи «Бирдамлик кемасидир». Биринчи кема ўтган йилнинг ёзида қаҳрамон Вьетнам қирғоқларига бориб келган эди.

●

15 апрелда Москвада инсон ҳуқуқлари халқаро йилига бағишланган илмий сессия очилди. Сессияни СССР Фанлар академиясининг давлат ва ҳуқуқ институти, халқаро ишчилар ҳаракати институти ҳамда Москвадаги халқаро муносабатлар давлат институти чақирган. Сессияда таниқли совет ҳуқуқшунослари доклад қиладилар. Чунончи, «Ҳозирги босқичда СССРнинг демократия, инсон ҳуқуқи ва озодлиги учун кураши», «Инсон ҳуқуқлари ва демократик эркинликларнинг империалистик давлатлар томонидан поймол қилиниши» деган темада докладлар тингланади.

Инсон ҳуқуқлари халқаро йили БМТ Бош Ассамблеясининг 18-сессияси қарорига биноан ўтказилмоқда. Шу сессияда инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги нишонланади.

●

Германия Демократик Республикаси бизга кўп музика асбобларини етказиб берувчи мамлакатдир. Бугун шу мамлакатнинг музика асбоблари виставкаси очилади.

(ТАСС).

